


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5140700 - Гидрометеорология
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.
- Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда Вазиятлар Вазирлиги хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 ийл «5» 07 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

МУНДАРИЖА

| Т/р | | бет |
|------|--|-----|
| 1. | 5140700- Гидрометеорология бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи | 4 |
| 1.1. | Кўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.2. | 5140700- Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи..... | 4 |
| 2. | 5140700 - Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар | 6 |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар | 6 |
| 2.2. | 5140700 - Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари | 6 |
| 3. | 5140700 - Гидрометеорология бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар | 7 |
| 3.1. | Ўкув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар | 8 |
| 3.2. | Малака амалиётига қўйиладиган талаблар..... | 8 |
| 3.3. | 5140700 - Гидрометеорология бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми..... | 9 |

1. 5140700 - Гидрометеорология бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

5140700 - Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даражаси)си 1-жадвалда келтирилган.

| Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даражаси) | | | 1-жадвал |
|---|----------------------|---|----------|
| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даражаси) | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати | |
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури | Бакалавр | 4 йил | |

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5140700 - Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳукуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқувтарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳукуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5140700 - Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5140700 - Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятигининг соҳалари:

5140700 – Гидрометеорология бакалавриат таълим йўналиши - илм ва табиий фанлар соҳасидаги йўналиш бўлиб, Ер хақидаги билимлар билан алоқадор бўлган лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот, гидрометеорологик экспертиза, маъмурӣ бошқарув ва педагогик ишлар мажмуини қамраб олади.

МУНДАРИЖА

| Т/р | | бет |
|------|--|-----|
| 1. | 5140700- Гидрометеорология бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи | 4 |
| 1.1. | Кўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.2. | 5140700- Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи..... | 4 |
| 2. | 5140700 - Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар | 6 |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар | 6 |
| 2.2. | 5140700 - Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари | 6 |
| 3. | 5140700 - Гидрометеорология бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар | 7 |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар | 8 |
| 3.2. | Малака амалиётига қўйиладиган талаблар..... | 8 |
| 3.3. | 5140700 - Гидрометеорология бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми..... | 9 |

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5140700 – Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

ишлиб чиқаришдаги технологик жараёнлар, гидрометеорология хизмати тармоқлари, қишлоқ ва сув хўжалиги ишлиб чиқариш объектлари, табиатни муҳофаза қилиш бўлинмалари, фавқулодда вазиятлар мониторинги, ташкилий-бошқарув объектлари, сув ресурсларини баҳолаш ва улардан фойдаланиш жараёнлари, илмий тадқиқот, меъёрий-хуқукий хужжатлар.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5140700 – Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйидагиларни камраб олади:

- турли методлар бўйича ўтказиладиган тадқиқот ишларида қатнашиш ва натижаларни қайта ишлиш ва хulosалар чиқариш;
- дарёлар, кўллар, сув омборлари, музликлар, қор қоплами, уларнинг гидометеорологик режимини ўрганиш ва тадқиқ қилиш;
- сув объектларига табиий ва антропоген омиллар таъсирини баҳолаш, улардаги миқдор ва сифат ўзгаришларини таҳлил қилиш;
- иқлим ўзгариши ва тебранишларига таъсир этувчи табиий ва антропоген омиллар тўғрисидаги билимларни амалиётда қўллаш;
- гидрометеорологик прогнозлар усулларини ишлиб чиқиш, такомиллаштириш ва амалиётда қўллаш.
- Фанлар Академияси ва тармоқ институтларининг тажриба-тадқиқот ва илмий – тадқиқот лабораторияларида изланишлар олиб бориш;
- давлат бошқаруви органларининг турли худудий даражаларида мутахассис сифатида фаолият кўрсатиш;
- ўрта-маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанлардан дарс бериши;
- таълим, вазирликларнинг ўқув-илмий бўлимларида фаолият юритиш.

1.2.3. 5140700 – Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- илмий-тадқиқот;
- ташкилий-бошқарув;
- ишлиб чиқариш.
- маънавий-маърифий фаолиятда.
- турли хизматлар кўрсатиши кабиларни ўз ичига олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5140700 – Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- 5A140701 – Метеорология ва иқлимшунослик (фаолият тури бўйича);
- 5A140702 – Гидрометеорология (фаолият тури бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича ўқиши давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5140700 – Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёкаш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва табиий-илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечайдан жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф мухитга муносабатини белгиловчи хукуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5140700 – Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда илмий-тадқиқот ишларини олиб борища иштирок этиш;
- соҳа йўналишларига оид маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- касбий фаолият обьекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ва илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш;
- илмий-тадқиқот жамоаси таркибидаги (соҳа йўналишларига мос равишида) касбий фаолият масалаларини ечиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим**.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиши;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятига эга бўлиши лозим**.

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усусларидан фойдаланиш ва мониторинги;
- фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;
- иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;
- амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш **қобилиятларига эга бўлиши керак**.

Маънавий-маърифий фаолиятда:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол гоясини сингдириш;
- ўқувчиларда мағкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний, қадриятлар, меҳир-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш **қобилиятига эга бўлиши лозим**.

Турли хизматлар кўрсатиши:

- хавфли гидрометеорологик ҳодисалар (кучли шамол, кучли ёғинлар, сел тошқинлари, қор кўчкилари, баҳорги ва кузги қора совуқлар, дўллар, курғоқчилик) билан боғлиқ табиий оғатларни олдини олишга қаратилган ҳукумат тадбирларида иштирок этиш;
- гидрометеорологик ҳодисалар хавфини бошқариш ва камайтириш мақсадида тузилган ишчи гурухларда иштирок этиш;
- гидрометеорология йўналишига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гурухларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- йўналишига мос лойиҳа мазулари бўйича турли хизматларни кўрсатиши **қобилиятига эга бўлиши лозим**

3. 5140700 – Гидрометеорология бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5140700 – Гидрометеорология бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий
иҳтинослик;
кўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат атtestацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:

Гуманитар фанлар бўйича

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидағи гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Табиий-илмий фанлар блоки бўйича:

чиликли тенгламалар системаси, кўп ўзгарувчи функциялар, хусусий хосила, оддий диференциал тенгламалар ҳакида тасавурлар бериши;

кўп ўзгарувчили функцияларнинг аниқлани ва ўзгариш соҳаларини топиш, оддий диференциал тенгламаларни ечиш кўникмаларини шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги, замонавий табиий тадқиқ этиш концепцияси, табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари, табиатга пурит етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тассавурларни шакллантириши;

суюқлик харакатига механик қонуниятларни қўллаш, адиабатик жараён, механик ва молекуляр физика лаборатория асбоблари билан ишлаш, физик тажрибалар ўтказиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириши;

эритмалар, концентрацияларни ифодалаш, эритмалардаги мувозанатлар, кимёвий реакциялар тезлигини ҳисоблаш кўникмаларини шакллантириши;

оксидланиш-қайтарилиш реакциялари, органик моддаларнинг синфланиши, гомологик қатори, номенклатуроси, органик реакцияларнинг синфланиши, реакция мувозанати, механизми ва кинетикаси ҳамда органик моддаларнинг функционал гурухлар бўйича назарий ва амалий билимлар бериши;

органик моддаларни таҳлил қилиш, сифат ва микдор таҳлили орқали уларнинг тузилишини аниқлаш, кислота-асосли, оксидлаб-қайтариб, чўқтириб ва комплексонометрик титрлаш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириши.

Умумкасбий фанлар блоки бўйича:

гидрометеорологиянинг асосий тушунчалари, атамалари ва таърифлари;

гидрометеорологик элементларни (ҳаво ҳарорати, қуёш радиацияси, атмосфера ёғинлари, дарёлар оқими, сув режими ва бошқалар) кузатиш, кузатиш маълумотларини умумлаштириш, бирламчи қайта ишлаш усуллари;

гидросфера ва унинг атмосфера, литосфера ҳамда биосфера билан ўзаро боғлиқлиги;

гидрометеорологик жараёнлар табиатини ўрганишнинг замонавий усуллари;

атмосфера ва Ер сиртида кечадиган гидрометеорологик жараёнлар ва ҳодисалар;

гидрологик жарёнларнинг метеорологик ҳодисалар маҳсули эканлигини англаш этиш ва бу борада тўплаган билимларни амалиётга тадбиқ этиш;

атмосферада кечадиган метеорологик жараёнлар ва ҳодисалар қонуниятлари;

гидросферада кечадиган гидрологик жараёнлар ва ҳодисалар қонуниятлари;

Ўрта Осиёнинг ўзига хос метеорологик хусусиятлари;

математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

сув ресурсларини ҳисобга олиш, улардан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилишда гидрометрияning аҳамияти;

дарёлар, кўуллар сув баланси элементларини миқдорий баҳолаш;

сув обьектларининг гидрологик режимига инсон омилининг таъсирини баҳолаш;

сув ресурсларининг миқдор ҳамда сифат жиҳатдан ўзгаришини ҳисоблаш;

дарёлар, кўуллар, сув омборлари сув режими элементларини ўлчашнинг замонавий усусларини амалда қўллаш;

замонавий информацион технологиялар ёрдамида метеорологик масалаларни ечиш ва миқдорий баҳолаш;

атмосферанинг турли қатламларида содир бўлувчи физик жараёнларнинг асосий қонуниятлари;

асосий синоптик обьектлар: ҳаво массалари, атмосфера фронтлари, планетар юқори фронтал зоналар ва барик тизимлар (циклон, антициклон, ботиқлик, ўркач, эгар);

гидрометеорологик маълумотлар қаторларини статистик ва сонли таҳлили;

агрометеорологик тадқиқот усусларини қўллаш;

агрометеорологик маълумотларни қишлоқ ҳўжалигида тадбиқ этиш ва амалда қўллаш кўниммаларини таъминлаши лозим.

Ихтисослик фанлар блоки бўйича:

бакалавриат таълим йўналиши бўйича касбий фаолият соҳаларида эришилган ютуқлар, муаммолар ва келгуси режалар ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўниммалари ва уқувларини шакллантириши;

Шу жумладан:

гидрометеорологиянинг ҳозирги кундаги асосий муаммолари;

гидрометеорологик ҳисоблашларга оид асосий тушунчалар, атамалар ва таърифлар;

сув обьектлари гидрометеорологик режимининг ўзгаришига инсон омилининг таъсири

иқлим ўзгаришларига олиб келувчи жараёнлар ва уларни таҳлил қилиш;

иқтисодиёт тармоқлари учун хавфли метеорологик ҳодисаларнинг юзага келиш сабаблари;

гидрометеорологик прогнозлаш усусларини иқтисодиётнинг турли тармоқларига тадбиқ эта олиш;

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Қўшимча фанлар блоки бўйича:

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

мехнат бозорида рақобатбардошликини таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фандастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ҳамда аудитория соатларини машгулот турлари ўртасидаги тақсимоти ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

Курс шинни тайёрлаш бўйича:

Курс ишини тайёрлаш бўйича:

Курс иши мавзулари факультет кенгаши қарори билан белгиланган фанлар доирасида ишчи ўкув режада кўрсатилади. Курс ишлари белгиланган фанлардан олинган билимларни боитишга хизмат қилиши керак.

3.2. Малакавий амалиётига қўйиладиган талаблар

Амалиётлар бакалавр таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар ўкув-дала ва ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этиш шаклида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёрланганингига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – ўкув-дала, ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиётларини ўз ичига олади.

- **ўкув-дала амалиётлари** ўтказилганда – талабалар амалиёт ўтадиган жой ёки муассаса билан умумий тарзда танишадилар. Амалиёт натижаси ва ҳисботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

- **Ишлаб чиқариш амалиёти** талабаларни бевосита мустақил ишлашга тайёрлайди. Ўзлаштирган назарий билимларини амалда қўллаш қўнимларини шакллантиради.

- **Битирув малакавий иши олди амалиёти** давомида оладиган назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаш билан бир қаторда амалий қўнимларни эгаллаш ҳамда битирув малакавий ишини бажариш учун зарур материалларни тўплаш ва қайта ишлашга йўналтирилади.

3.3. 5140700 – Гидрометеорология бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми

5140700 – Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг қундузги шакли бўйича 4 йил ўқишига мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

| | |
|----------------------------|------------|
| Назарий ва амалий таълим | 116 |
| Малакавий амалиёт | 22 |
| Аттестациялар | 24 |
| Якуний давлат аттестацияси | 6 |
| Таътиллар | 36 |
| Жами | 204 |

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 28 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқитишининг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўкув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўкув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий таълим 59%;
- аттестация 11%;
- таътил 16%;
- малака амалиёти 11%;
- битирув иши 3%.

Назарий таълим ҳажми «Гуманитар билим соҳаси”га мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- гуманитар ва табиий-илмий фанлар 24%;
- умумкасбий фанлар 53%;
- ихтисослик фанлари 17%;
- қўшимча фанлар 6%.

Ўкув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОҚС 01.040.01

Таяинч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабхаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, гидрометеорология, гидросфера, атмосфера, сув ва ҳаво экологияси, географик информацион тизимлар, дарёлар, кўллар, сув омборлари, кор қоплами, музликлар, атмосфера ҳавоси, қуёш радиацияси, шамол, булутлилик, ҳаво намлиги, геофизика, атмосфера физикаси, иқлимишунослик, гидрофизика, сув баланси тадқиқотлари, гидрометрия, умумий гидрология, кўлшунослик, мелиоратив гидрология, сув хўжалиги ҳисоблашлари, метеорологик ахборот ўлчов тизимлари, динамик метеорология, масофадан зондлаш усуслари, ясиноптик метеорология, авиацион метеорология, агрометеорология, сув ресурслари, ўзан оқими динамикаси, ўзан жараёнлари, булутлар ва ёғинлар физикаси, ҳавфли гидрометеорологик ҳодисалар, синоптик жараёнлар, сув ресурслари, метеорологик ресурслар.

5140700 – Гидрометеорология бакалавриат таълим йўналиши бўйича
таълим дастурининг тузилиши

| T/p | Фанлар блоклари, интеграллаштирилган курслар ва блокларнинг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|-------------|---|------------------------------------|
| 1.00 | Гуманитар ва табиий-илмий фанлар | 1544 |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 78 |
| 1.02 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 |
| 1.03 | Фалсафа | 128 |
| 1.04 | Диншунослик | 64 |
| 1.05 | Ўзбек (рус) тили | 150 |
| 1.06 | Хорижий тил | 272 |
| 1.07 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 |
| 1.08 | Олий математика | 238 |
| 1.09 | Кимё | 136 |
| 1.10 | Физика | 136 |
| 1.11 | Экология | 136 |
| 2.00 | Умумкасбий фанлар | 3348 |
| 2.01 | Мутахассисликка кириш | 329 |
| 2.02 | Геодезия | 230 |
| 2.03 | Атмосфера физикаси | 296 |
| 2.04 | Метеорологик ахборот ўлчов тизимлари | 230 |
| 2.05 | Гидрометрия | 340 |
| 2.06 | Умумий ва маҳсус гидравлика | 340 |
| 2.07 | Геофизика асослари | 166 |
| 2.08 | Динамик метеорология асослари | 230 |
| 2.09 | Синоптик метеорология | 288 |
| 2.10 | Гидрометеорологияда статистик усууллар | 288 |
| 2.11 | Умумий гидрология | 340 |
| 2.12 | Агрометеорология | 150 |
| | <i>Танлов фанлари</i> | 121 |
| 3.00 | Ихтисослик фанлари | 979 |
| 3.01 | Гидрометеорологик ҳисоблашлар | 225 |
| 3.02 | Гидрометеорологик прогнозлар | 225 |
| | <i>Танлов фанлари</i> | 529 |
| 4.00 | Қўшимча фанлар | 395 |
| | Жами | 6264 |
| | Малакавий ва педагогик амалиётлар | 1296 |
| | Якуний давлат аттестацияси | 324 |
| | Аттестациялар | 1188 |
| | Жами | 2808 |
| | ҲАММАСИ | 9072 |

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Ўзбекистон Миллий университети

Ректор б.ж. проф. А.Р.Мараҳимов

201_ йил «_____» _____



Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази
Бош директори биринчи ўринбосари Б.Э.Нишонов

201_ йил «_____» _____

КЕЛИШИЛГАН:



Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги

Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини

Ривожлантириш маркази

Директор З.Хакимов

С.

201_ йил «_____» _____

М.ў.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти

Ректор Х.Мурзаков проф. У.П.Умурзаков

201_ йил «_____» _____











Ижодий гурух раиси ва аъзолари

Ижодий гурух раиси ва ўринбосари

| | | | |
|----------------------------------|---------------|---|---|
| Ижодий гурух раиси | Д.Х.Джумабаев | Ўқув ишлари бўйича биринчи проректор | |
| Ижодий гурух раиси ўринбосари | Ф.Хикматов | Куруқлик гидрологияси кафедраси мудири |  |

Ижодий гурух аъзолари

| Т/р | Ўқув фанлари (курслар)ининг номи | Таянч ОТМдан | | Турдош ОТМдан | |
|-------------|---------------------------------------|--|--|---|---|
| | | Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо | Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо |
| 2.00 | Умумкасбий фанлар | | | | |
| 2.01 | Мутахассисликка кириш | Рахманов К.Р. PhD  | | Д.В.Назаралиев к/х.ф.н., доцент |  |
| 2.02 | Геодезия | Х.Мубараков т.ф.н., доцент |  | Д.В.Назаралиев к/х.ф.н., доцент |  |
| 2.03 | Атмосфера физикаси | Б.Холматжанов г.ф.н., доцент |  | С.Е.Нуржанов т.ф.н., доцент |  |
| 2.04 | Метеорологик ахборот ўлчов тизимлари | Х.Эгамбердиев г.ф.н., доцент |  | F. У.Юсупов г-м.ф.н., доцент |  |
| 2.05 | Гидрометрия | Ф.Х.Юнусов г.ф.н., доцент |  | Ф.А.Гаппаров т.ф.н., доцент |  |
| 2.06 | Умумий ва маҳсус гидравлика | Ф.Х.Хикматов г.ф.д., проф |  | А.М.Фатхуллаев т.ф.д., доцент |  |
| 2.07 | Геофизика асослари | Ф.Я.Артикова г.ф.н., доцент |  | Д.В.Назаралиев к/х.ф.н., доцент |  |
| 2.08 | Динамик метеорология асослари | Б.Холматжанов г.ф.н., доцент |  | F. У.Юсупов г-м.ф.н., доцент |  |
| 2.09 | Синоптик метеорология | Х.Эгамбердиев г.ф.н., доцент |  | С.Е.Нуржанов т.ф.н., доцент |  |
| 2.10 | Гидрометеорологияда статистик усуллар | Ф.Х.Хикматов г.ф.д., проф |  | Д.В.Назаралиев к/х.ф.н., доцент |  |
| 2.11 | Умумий гидрология | Ф.Х.Юнусов г.ф.н., доцент |  | F. У.Юсупов г-м.ф.н., доцент |  |
| 2.12 | Агрометеорология | Г.Холбоев Г.ф.н., доцент |  | С.Е.Нуржанов т.ф.н., доцент |  |
| 3.00 | Ихтисослик фанлари | | | | |
| 3.01 | Гидрометеорологик хисоблашлар | Б.Е.Аденбаев г.ф.н., доцент |  | А.М.Фатхуллаев т.ф.д., доцент |  |
| 3.02 | Гидрометеорологик прогнозлар | Ғ.Ӯ.Умирзақов доцент в.б., PhD |  | Д.В.Назаралиев к/х.ф.н., доцент |  |

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
5140700 – Гидрометеорология таълим йўналиши бўйича Малака талаблари ва ўқув
режаларининг ишлаб чиқувчилари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ ” 2019 йил

Биз қўйида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Миллий университети ректори А.Р.Марахимов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухундислари институти ректори Ў.П.Умурзаков, Гидрометеорология хизмати маркази Боз директорининг биринчи ўринбосари Б.Э.Нишонов ва Гидрометеорология хизмати маркази ҳузуридаги Гидрометеорология илмий-текшириш институти директори Т.А.Ахмедовалар биргаликда ЎзМУда ишлаб чиқилган қўйидаги бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутаҳассислигининг малака талаблари мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

5140700 Гидрометеорология

Малака талаблар ҳамда ўқув режаларнинг ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрельдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сон қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартиба солувчи бошқа меъёрий-хукукий хужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.

Ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Миллий университети ректори

А.Р.Марахимов

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаш мухундислари
институти
ректори

Ў.П.Умурзаков

Гидрометеорология хизмати маркази
Боз
директорининг биринчи ўринбосари

Б.Э.Нишонов

Гидрометеорология хизмати маркази ҳузуридаги
Гидрометеорология илмий-текшириш институти
директори в.в.б.

